# Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 39 (13.102)

Баҳоси эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Отабек Мирсоатов олган суратлар

### Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## ТАВСИЯНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Қуролли Кучлар резервига бўшатилган бир гуруҳ аскарларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда қўшимча имтиёз берувчи ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлиғи, полковник Ш.Икромов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, билим юрти Васийлик кенгаши раиси Иқбол Мирзаалиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган Қуролли Кучлар барпо этилганлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, армия сафларида ўз йигитлик бурчини интизомли равишда ўтаган бир гуруҳ аскарларга тавсияномалар ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан бадиий адабиётлар топширилди.

– Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилаётган эътибор самаралари ҳарбий хизматга келаётган йигитларнинг баркамоллигида яққол кўринмоқда, – дейди билим юрти ўқув жараёнини таъминлаш батальони командири ўринбосари, майор Суҳроб Йўлдошев. – Ҳарбий хизматга яроқли деб топилаётган ва армияга келаётган йигитларнинг бўйи аввалгига нисбатан анча баланд, уларнинг аксарияти спорт билан доимий шуғулланган бақувват ёшлардир. Шу боис улар ҳарбий хизмат давомида барча жисмоний ва ўқув машғулотларини аъло даражада бажармоқда.

Фарғоналик Илҳом Қаҳҳоров ҳарбий хизматни намунали ўтаган, интизоми билан командирлар ишончини оқлаган ёшлардан. У ҳам олий таълим муассасасига ўқишга киришда қўшимча балл олиш имконини берадиган қўмондонлик тавсияномасига эга бўлди.

– Бизга берилган имтиёзли тавсияномадан фойдаланиб, ҳарбий соҳага оид олий билим юртларидан бирига ўқишга кирмоқчиман, – дейди ЎзА мухбирига Илҳом. – Чунки ҳарбий хизматда мен чиниқдим ва келажакда ҳам шу соҳада фаолият олиб боришга аҳд қилдим.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг концерти намойиш этилди.

**Даврон СУННАТОВ**

## КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

***Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида "Корпоратив бошқарув кодекси – корпоратив бошқарув стандартларини жорий этишнинг самарали воситаси" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда вазирлик ва идоралар, акциядорлик компаниялари, корхоналар, хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбар ва вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Г.Саидова, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Д.Ҳидоятов, Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини вақтинчалик бажарувчи Н.Колибашкина ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида хусусий секторни изчил ривожлантириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларига хорижий сармоядорларни жалб қилиш, уларнинг корпоратив бошқарув тизими, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ва ташқи бозорга чиқариш жараёнларида фаол иштирок этиши учун қулай шароит яратиш, акциядорлик жамиятлари устав капиталидаги давлат активлари ва улушларини қисқартириш орқали давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни юқори босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув усулларини жорий этишда ривожланган давлатлар, хусусан, Германия тажрибаси ўрганилмоқда. Етакчи хорижий компаниялар, мутахассислар ҳамда экспертлар иштирокида корпоратив бошқарувнинг ташкилий шакллари ва замонавий услубларини жорий қилишни методик таъминлаш, акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимларини халқаро стандартлар даражасида тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётир. Германиянинг етакчи компаниялари ташаббуси билан асос солинган Европа менежмент ва технологиялар мактаби билан ҳамкорлик бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

2015 йили мазкур мактаб билан фаол ҳамкорлик самарасида ташкил этилган Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази тингловчилари хўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари ва тадбиркорлик субъектлари, хорижий компания ва таълим муассасаларига стажировкага юборилмоқда. Ўтган даврда Германия ва бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари, банклар ва йирик корхоналарнинг 160 нафардан ортиқ раҳбар ходими корпоратив бошқарув соҳасида малака оширди.

Корпоратив бошқарувни ривожлантириш давлат мулкини акциядорлик жамиятларига айлантириш орқали хусусийлаштириш билан ҳам боғлиқ. Бундай ишлар натижасида юртимизда мингдан зиёд акциядорлик жамияти ташкил этилган. Бир миллиондан ортиқ фуқаро уларнинг акцияларига эга. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўсишига муносиб ҳисса қўшаётган йирик корхоналар акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритаётгани корпоратив бошқарув соҳасини ривожлантириш улкан аҳамият касб этишидан далолатдир.

– Президент Ислом Каримов ташаббуси билан корпоратив бошқарув соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилгани эътиборга молик, – деди Европа менежмент ва технологиялар мактабининг минтақавий дастур директори Ф.Франк. – Бу сармоядорларни жалб қилишнинг муҳим омилларидандир. Мен Ўзбекистондаги кўплаб компаниялар раҳбар ва мутахассислари билан мулоқотда бўлганман. Уларнинг бошқарувчилик маҳорати ва билими юқори экани менда катта таассурот қолдирган. Бу каби анжуманлар корпоратив бошқарув соҳасида ўзаро тажриба алмашишга, ҳамкорликни янада ривожлантиришга, қўшма бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилади.

Корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш корпоратив бошқарув кодекси амалиёти билан бевосита боғлиқ. Жаҳонда юздан зиёд шундай ҳужжат ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган. Ўзбекистон Республикасининг Корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиш жараёнида кўплаб мамлакатларнинг Корпоратив бошқарув кодекслари ва тажрибаси ўрганилди.

Корпоратив бошқарув кодекси барча акциядорлик жамиятлари учун тавсиялар жамланмасидан ташкил топган. У фаолият очиқлигининг халқаро стандартларини жорий қилиш, директорлик корпуси масъулиятини ошириш, корхоналарни бошқаришда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини кучайтириш, корпоратив бошқарув соҳасидаги низоларни ҳал қилиш, тизимда юқори самарадорликка эришиш имконини беради.

*(Давоми 2-бетда)*

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## "ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ" ЭЪЛОН ҚИЛИБ БОРИЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда парламент аъзолари, вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматлари вакиллари, олимлар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг ўрни юксалиб бораётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда бир минг тўрт юздан кўпроқ оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Уларнинг олтмиш фоизга яқини нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот манбалари ҳам йилдан йилга такомиллашмоқда.

2014 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни бу борадаги ишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир.

Семинар иштирокчилари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги бўйича мониторинг олиб бориш ва унинг баҳолаш усуллари билан таништирилди.

– Қонунчилигимизга мувофиқ, жорий йилдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлик бўйича вазифаларни амалга ошириш даражасини баҳоловчи "очиқлик индекси" эълон қилиб борилади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербоев. – Бу жараёнда рейтинг баҳолашни ташкил этишда давлат органларининг оммавий ахборот воситалари, фуқаролик институтлари билан ҳамкорлиги алоҳида мезон этиб белгиланди.

Семинарда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлигини таъминлашда ахборот хизматларининг роли, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан аҳолининг хабардорлигини оширишда матбуот хизматлари ва журналистларнинг ўрнига доир маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Марказий ҳарбий округнинг Самарқанд гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, Қуролли Кучлар резервига бўшатилган аскарларнинг бир гуруҳига олий ўқув юртларига ўқишга киришда қўшимча имтиёз берувчи ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасини топшириш ва уларни кузатишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

**● Сурхондарё вилояти Денов туманида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув-семинар ўтказилди.**

**● Жиззахда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти ҳамкорлигида "Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ёшларда интернет маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

**● Бухоро вилояти "Баркамол авлод" болалар марказида "Биз терроризмга қаршимиз!" шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Вилоят маънавият ва маърифат кенгаши, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда жамоатчилик вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.**

**● Андижонда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон вилояти ҳудудий бўлими томонидан "Фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ўзгаришлари: Андижон вилояти мисолида" мавзусида конференция ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Япониянинг "Japan Airlines" авиакомпаниясига қарашли самолёт учиш йўлакчасида парвозга ҳозирланаётган пайтда двигателида ёнғин келиб чиққанлиги туфайли Хопкайдо шаҳридаги аэропортдан кўтарила олмади. Хавфли ҳолат ўз вақтида бартараф этилиб, самолёт бортидаги 165 нафар йўловчи ва экипаж аъзоларига ҳеч қандай зарар етмади.**

**● АҚШнинг "Хаббл" космик телескопи коинотдаги энг йирик қора туйнукни аниқлади. Ҳозиргача энг йирик бундай объект деб Паризод юлдузлар туркумида 53 миллион ёруғлик йили узоқликда жойлашган М-87 галактикаси марказидаги қора туйнук ҳисобланарди. Янги қора туйнук 20 миллиард қуёш массасига тенг бўлиб, NGC48 89 элиптик галактикаси марказида жойлашган ва диаметри 130 миллиард километрни ташкил этади.**

**● Ангола пойтахти Луандада жорий йилда бошланган сариқ иситма касаллиги оқибатида қурбон бўлганлар сони 50 кишидан ошиб кетди. Шифокорларнинг таъкидлашича, шаҳарлардаги санитария аҳволининг ёмонлашуви ўлим кўрсаткичи юқори бўлган ушбу касалликни тарқатувчи чивинларнинг кўпайишига ва бунинг оқибатида сариқ иситманинг авж олишига сабаб бўлмоқда.**

# КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Компаниямиз Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан 2011 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда, – дейди Германиянинг "Indecon Consulting" компанияси бошқарувчи директори Матиас Нем. – Ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари учун тавсия этиладиган Корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқдик. Бу мамлакатингизда акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини янада оширишга, замонавий корпоратив бошқарув тизимини кенг жорий этишга, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга хизмат қилади. Ўзбекистон билан мазкур йўналишдаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятидамиз.

Конференция иштирокчилари мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимидаги тамойил ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестиция жараёнларига корпоратив менежментнинг замонавий стандартларини жорий этиш борасида юксак самарали ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Хорижий ҳамкорлар билан корпоратив бошқарувни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, Корпоратив бошқарув кодексининг асосий йўналишлари ва қоидалари, бу борада Германия тажрибаси, корпоратив бошқарув кодексларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда халқаро тажриба, мамлакатимиз ва хорижий мамлакатларда корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари ва оид мавзуларда маъ-, рузалар тингланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон акциядорлик жамиятлари учун Корпоратив бошқарув кодексининг асосий қоидаларига бағишланган амалий семинар ўтказилди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган мазкур тадбирда акциядорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, соҳадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**



*Замонавий технологиялар ҳаётга татбиқ этилмоқда.*

***Миллий матбуот марказида Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Ўқув маркази томонидан ташкил этилган матбуот анжумани "Давлат молиясини ислоҳ қилишнинг ғазначилик тизими, давлат бюджетининг ғазна ижроси, асосий вазифалар ва ривожлантириш истиқболлари" мавзусига бағишланди.***

**Анжуманлар**

# ҒАЗНАЧИЛИКНИНГ БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Анжуманда, мустақиллик йилларида Давлат бюджети ижроси жараёни, бюджет маблағларини бошқариш ва мақсадли фойдаланиш, шунингдек, ҳаражатларни молиялаштиришда янгича механизмлар ва услублар амалиётга босқичма-босқич жорий этилаётганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошлиғининг биринчи ўринбосари Дилшод Пўлатов ўз чиқишида, бугунги кунда давлат бюджетининг ғазна ижроси билан бюджетнинг харажатлари қисми тўлақонли равишда жорий этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш жараёни, Ғазначиликнинг асосий мақсад ва вазифалари, Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдланишдаги аҳамияти ҳақида журналистларга батафсил сўзлаб берди.

Унинг таъкидлашича, Ўзбекистонда Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимига ўтилиши бюджет тизимининг тубдан ислоҳ этилишига, замонавий ахборот технологияларининг молия тизимига кириб келишига, бюджет маблағларини мақсадли йўналтириш устидан назорат механизмининг яратилишига ва бу тизим давлат бюджетининг турли поғоналаридаги даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини оширди.

Ғазначилик тизими бюджет ташкилотлари олдига молия-ҳисоб масалалари бўйича олдин зарур муаммоли ҳолатларнинг ечилиши бўйича керак бўлган талабларни белгилаб, эскириб қолган ва самарасиз ҳисобланган механизмларни бекор қилди.

Янги тизимнинг жорий этилиши бюджет тизимига Ягона ғазна ҳисобварағи орқали харажатларни амалга ошириш ҳамда дастлабки ва жорий назорат каби механизмларни татбиқ этилишига, бюджет ташкилотлари билан товарлар етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни харажатлар сметаси доирасида ва белгиланган мақсадларга йўналтирилиши устидан қатъий назорат ўрнатиб, бюджет ташкилотлари томонидан асоссиз харажатлар қилинишининг олди олинмоқда.

Айтиш жоизки, ўтган 8 йил давомида ғазначилик тизими босқичма-босқич ислоҳотлар йўлидан борди, 2007-2015 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ижросини таъминлаш борасида Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, анжуманда Ғазначиликнинг келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалари ва соҳани янада ривожлантириш борасида олдинда турган устувор йўналишлар ҳақида батафсил ахборот берилиб, кейинги босқичда давлат молиясини бошқаришнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш, давлат бюджетининг даромадлар қисмини ғазна механизми билан қамраб олиш ва халқаро стандартларга таянган Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётганлиги маълум қилинди.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

***Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ислоҳотлар замирида инсон манфаати, унинг фаровон ва тинч ҳаёт кечириши мужассам. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан оқ ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга кенг имкониятлар яратиб бериш мақсадида бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилингани фикримизнинг яққол исботидир.***

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ

Барча бозор муносабатлари асосида ривожланаётган ҳуқуқий-демократик давлатлар қатори юртимизда ҳам тадбиркорлик субъектлари турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилиши мумкин ва бунга етарлича ҳуқуқий асослар яратилган. Шу билан бир қаторда, тадбиркорларнинг фаолият йўналишлари ҳам хилма-хил бўлиб, улар қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган барча фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақлидирлар.

Жорий ва ўтган йил давомида Тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида кичик бизнеснинг иқтисодиётимиздаги улуши тобора ортиб бораётир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини изчил такомиллаштириш орқали тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишда дастуруламал бўлаётир.

Мазкур Фармон билан тадбиркорларни ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналишини ўз ичига олган Дастур тасдиқланди ва унда 33 та аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Қайд қилинган мазкур Фармон давоми сифатида 2015 йил 20 августда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Ушбу муҳим қонуннинг кучга кириши тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишида давлатимизнинг долзарб вазифалардан бири сифатида ўз тасдиғини топади. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ва Жиноят кодексларига тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган ҳаракатлар учун жавобгарликни белгиловчи боблар киритилди.

Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, рўйхатдан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларини олиш механизмларини янада соддалаштириш бўйича олиб борилган сиёсатнинг яна бир далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрда Қарори қабул қилиниб, мазкур Қарор ичида тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятларни яратиш мақсадида Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги Фармони ижросини таъминлаш ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилиб, бунда вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд "ягона дарча" хизматларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб тўхтатилиши белгиланиши натижасида шу йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили асосида Давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолият бошлади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши бўйича мутлақо янги механизм жорий этилди. Унга кўра, ушбу тармоқлар ишини юритадиган ташкилотларнинг ҳудудий корхоналарига техник шартларни олишдан тортиб муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишгача бўлган барча жараёнларни амалга ошириб, уларни тадбиркорларга тайёр ҳолда топшириш ваколатлари берилди.

Қарорга асосан, 16 та йўналиш бўйича Яшнобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона дарча" маркази томонидан ўтган бир ойлик муддатда тадбиркорлик субъектларига 130 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилишига эришилди.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, бизнинг туманимизда ҳам қатор қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ва туманда ишбилармонлар синфини шакллантириш ва ошириш мақсадида ҳафтанинг ҳар жума кунлари туман ҳокимлиги биносида туман прокуратураси билан ҳамкорликда "Тадбиркорлар куни" ўтказилиб келинмоқда. Мазкур ўтказилаётган учрашувлар давомида тадбиркорликни бошламоқчи бўлган ва мазкур соҳа билан шуғулланаётган соҳа вакиллари, шунингдек, тумандаги назорат қилувчи орган ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги масъул бўлим бошлиқлари, тижорат банк бошқарувчилари иштирок этишиб, фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида учраётган муаммолар ва уларни қизиқтирган саволларига батафсил жавоб берган ҳолда амалий ёрдам берилмоқда. Ўтган йил давомида 55 дан ортиқ учрашув ўтказилган бўлиб, уларда 2450 дан ортиқ юридик ва жисмоний шахслар иштирок этишган бўлса, унда ишчи гуруҳ аъзолари томонидан тадбиркорларга 200 га яқин ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, ишчи гуруҳ аъзолари амалда тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланиб келмоқда.

Шу билан бир қаторда, 2014 йилда 454 та корхона юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлса, 2015 йил давомида бу кўрсаткич 567 тани ва бу ўтган йилга нисбатан 113 тага ортиқни ташкил этди.

Туманда фаолият юритмаётган корхоналар сонини қисқартириш ва уларнинг фаолиятини қайта тиклаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган бўлиб, мисол тариқасида 2014 йил давомида 72 та корхона фаолияти қайта тикланган бўлиб, шундан 426 та иш ўринлари яратилди, 2015 йилда бу кўрсаткич 130 та корхонани ташкил этиб, унда 903 та янги иш ўрни қайта тикланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш, рўйхатдан ўтказиш ва солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкини камайтириш, турли имтиёзлар бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида кичик бизнес тез суръатларда ривожланмоқда. Шу гўзал диёр фарзандиман, шу юртнинг бир бўлагиман деган инсон борки, мамлакат ривожи йўлида собитқадам бўлиши ва бунга ўз ҳиссасини қўшмоғи даркор.

**Зиёдулла САГДИЕВ,**
**Яшнобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатувчи "Ягона дарча" маркази шўъба бошлиғи**

*Яккасарой тумани ҳокимининг ҚАРОРИ*

# ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекциясининг 2015 йил 15 декабрдаги 292-сонли хатига илова "Яккасарой туманида мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси"га асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Яккасарой туманида 2016 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. "Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъи назорат ўрнатсин.

6. Яккасарой туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (И.Алимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Яккасарой туман тармоқ администратори (Ш.Ахмаджонов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yakkasaroy.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Яккасарой тумани ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи С.Кадыров**

*2016 йил 19 февраль*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

***Пойтахтимизда Республика "Оила" илмий-амалий маркази, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ҳамкорлигида "Оила институтини янада такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отамуродов, Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Ҳ.Мамадалиева ва бошқалар мамлакатимизда соғлом оилани шакллантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани замирида ҳам ана шу мақсадлар мужассам.

Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан оилаларни мустаҳкамлаш, уларда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришга қаратилган кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ўғил-қизларни оила қуришга тайёрлаш, оилада тиббий маданиятни янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**2016 йил — Соғлом она ва бола йили**

# СОҒЛОМ ВА БАХТЛИ ОИЛАЛАР

Тадбирда ёш авлодни оилани қадрлаш, асрab-авайлаш руҳида тарбиялаш муҳим вазифалардан экани таъкидланди.

– Ижтимоий сўров натижаларига кўра, юртдошларимиз аҳиллик, тинчлик ва хотиржамлик, ўзаро ҳурмат ва бир-бирини тушуниш, муҳаббат ва маънавий яқинлик бўлган оилалар бахтли оиладир, деган фикрда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бош мутахассиси Шоҳида Содиқова. – Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, фарзандларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда.

"Оила" илмий-амалий маркази ва бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларида ёшларни оилага тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эрта турмуш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга оид тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. "Эрта турмушга чиқишнинг салбий оқибатлари", "Сиз турмуш қуришга тайёрмисиз?", "Эрта никоҳ – умр заволи", "Эрта ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари" каби мавзуларда ўтказилаётган семинар, давра суҳбатлари ёшлар маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётир.

Анжуманда оилани ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари, оилавий маросимларнинг аҳамияти, бола саломатлиги – оила мустаҳкамлиги, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила ва комил инсон тарбияси каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Ёшлар — келажагимиз**

# БОЛАЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН "КАМАЛАК"

***Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, турли зарарли иллатлар таъсиридан асраш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Айниқса, ёшларнинг таълим-тарбиясига уларнинг болалигиданоқ эътибор қаратилиши алоҳида аҳамиятга эга. Болалик инсон ҳаётидаги илк тарбия ўчоғи бўлиб, инсоннинг яхши тарбия топиши, соғлом инсоний хислатлар ва кўникмалар шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиздаги болалар манфаатлари ҳимоячиси, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш мақсадида бугун ўз сафида 136 мингдан кўпроқ болаларни бирлаштирган "Камалак" болалар ташкилоти томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ташкилот болаларни ихтиёрийлик, ошкоралик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглиги тамойили асосида бирлаштирадиган жамоат бирлашмасидир. Ташкилот фаолиятининг асосий мақсади – болаларни миллий истиқлол ғояси асосида комил инсон этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятларини намоён қилишлари ҳамда ривожлантиришлари учун шарт-шароитлар яратиб беришдан иборатдир. 2001 йилда ташкил топган "Камалак" болалар ташкилоти бугунги кунга қадар турли йўналишдаги лойиҳалар, акциялар, фестивалларда ва бошқа маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Иқтидорли болаларни излаб топиш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш ва қўллаб-қувватлаш, уларда ташаббускорлик кўникмаларини шакллантириш, жисмоний, маънавий соғлом авлодни ва ижтимоий фаол шахсни шакллантиришга ҳисса қўшиш, жамоа орасида ўз фикрини тўла ифодалашга ўргатишда "Камалак" болалар ташкилотининг ўрни ва аҳамияти катта бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Тошкент шаҳридаги 292 та умумий ўрта таълим мактабида "Камолот" ЁИҲнинг бошланғич ташкилотлари ташкил этилган. Ёшлар "Камолот" деганда, аввало ўзлари таҳсил олаётган ёки фаолият юритаётган муассасадаги бошланғич ташкилотни, унинг етакчиси ва жамоасини тасаввур қилади. Бугунги кунда мактабларда 31003 нафар "Камалак" сардорлари фаолияти йўлга қўйилди. Сардорлар ҳисоботсайлов йиғилишларида табиий етакчилик қобилиятига эга бўлган, тенгдошларини ортидан эргаштира оладиган болалар ва ўсмирлар орасидан танлаб олинади. Сардорларнинг билими, иқтидорини ривожлантириш, сардорлик кўникмаларини шакллантириш, иш юритишни ўргатиш, навбатдаги ўқув йилидан уларни тўла фаолият олиб боришга тайёрлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, "Камалак" болалар ташкилоти болалар қалбида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, уларни эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш, ўғил-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш ва рўёбга чиқаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Бобур МИРЗАЕВ,**
**Тошкент шаҳар "Камалак" болалар ташкилоти раиси**




Окил Ғуломов олган сурат

***Шаҳримизда ёшларнинг ҳар томонлама малакаларини ошириш, уларга ўзлари танлаган соҳалари бўйича ҳунар ўргатиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада турли ўқув марказларининг фаолияти йўлга қўйилган.***

# БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

Яқинда Шайхонтоҳур туманида ўз эшикларини очган "Alfa education" масъулияти чекланган жамияти ҳам ёшларни ўзига жалб этувчи шундай ўқув марказлари сирасига киради.

Ушбу корхонани очишдан олдин яқин атрофда иккита мактаб, учта мактабгача таълим муассасаси, маҳаллалар мавжудлиги кўпгина ёш оилалар истиқомат қилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Ўқув марказида ёшларнинг қизиқиш ва манфаатлари, талаб ҳамда истакларини ҳисобга олган ҳолда қандолат маҳсулотлари, миллий ва Европа таомларини тайёрлаш, карвинг, рус, инглиз ва хитой тилларини ўргатиш, болаларни мактабга тайёрлаш, тикувчилик ва дизайнерлик, рассомчилик ва шахмат курслари, декоратив буюмлар ясаш, ҳамшираlик, компьютер ва бухгалтерия курслари, кимё, биология, она тили ва адабиёти, тарих, инглиз тили, математика, рус тили, география, физикадан абитуриентларни олий ўқув юртларига киришга тайёрлаш каби тўгараклар ва ўқув курсларини очганмиз, — дейди марказ директори Муяссар Абдуллаева. — Битирувчиларга сертификат берилади. Ўқув марказимизнинг фаолият бошлаганига ҳали икки ҳафта ҳам ўтмаганига қарамай элликдан ошиқ ёшлар тўгаракларга аъзо бўлишди. "Қоратош" маҳалласи, Себзор даҳасида истиқомат қилувчилар улар орасида кўпчиликни ташкил этмоқда. Айниқса, инглиз тили ва ҳамшираlик тўгараклари қизиқиш катта.

Дарҳақиқат, "Alfa education" ўқув курслари фаолияти билан танишганимизда барча хоналар магнитли доскалар, компьютерлар, стендлар, планшетлар каби замонавий анжомлар билан жиҳозланганининг гувоҳи бўлдик. Бу албатта қатнашувчиларнинг қизиққан соҳалари бўйича билим-малакаларни эгаллашларида муҳим омил бўлади. Ниятимиз шуки, шаҳримизда ёшларимиз камолотини ўйлаган ҳолда ташкил этилган мана шундай ўқув марказлари кўпаяверсин.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

***Юнусобод туманидаги 302-умумтаълим мактабида ота-оналар мажлиси бўлди. Ўқитувчи Назира Комилжонова битирувчиларнинг келгусида қайси таълим муассасасида ўқиши ва қандай касб танлашига кўмаклашиш, бунда уларнинг қизиқиши ва қобилиятини инобатга олиш ҳақида гапирди. Шу мақсадда ўқувчилар орасида ўтказилган психологик тест натижалари эълон қилинди.***

# ТЎҒРИ ТАНЛАНГАН КАСБ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

– Масалан, Рамазонни олайлик, – деди мураббия қўлидаги қоғозга ишора қилиб. – Унинг физикага, техникага қизиқиши баланд. Шу боис автомобилсозлик, машинасозлик йўналишидаги бирор коллежда ўқишини давом эттиргани маъқул. Ундан зўр технолог чиқиши мумкин.

– Яхши, – деди Рамазоннинг онаси, – ўғлим билан, дадаси билан гаплашиб кўрайлик. Қароримизни айтамиз...

Бугун юртимиздаги барча мактабларда ана шундай жараён. Ота-оналар ва ўқитувчилар ҳаммаслаҳат фарзандларининг келгуси ўқиш ва ишларини режалаб олмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун барча шароит яратилмоқда. Умумтаълим мактаблари битирувчилари таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олиниб, билими ва интилишига қараб муайян касбга йўналтирилмоқда. Ўғил-қизлар коллежни тамомлаб ҳам дипломли, ҳам ҳунарли бўлмоқда. Хоҳласа ишлаши, хоҳласа институтга кириши мумкин. Ихтиёр ўзида.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида бу борада муайян тизим йўлга қўйилган. Мамлакатимиздаги ўрта махсус таълим муассасалари рейтинги тузилиб, мактаб битирувчилари учун лицей ва коллежларда "Очиқ эшиклар куни", "Мутахассислик – сенинг келажагинг", "Тўғри танланган касб – оила фаровонлиги асоси" каби тадбирлар, давра суҳбатлари, турли кўргазмали семинарлар ўтказилмоқда. Коллеж ва академик лицей вакиллари ҳар ой ҳудуддаги умумтаълим мактабларига бориб, ўз таълим муассасалари бўйича битирувчиларга атрофлича маълумот бераётир.

Яқинда Юнусобод туманидаги 302-умумтаълим мактаби битирувчилари Республика рассомлик коллежи, Тошкент менежмент ва технологиялар, гидрометеорология, иқтисодиёт, туризм, радиотехника ва автоматика коллежлари ҳамда Тошкент молия институти қошидаги Молия академик лицейида ўтказилган "Очиқ эшиклар куни"да иштирок этди. 9-синф ўқувчилари мазкур даргоҳларда ўқувчиларнинг ўқиши, ўз устида ишлаши учун яратилган шароитлар, тўгараклар фаолияти билан яқиндан таништирилди.

– Юнусобод туманидаги машинасозлик коллежи устахонасидаги жараён менга маъқул бўлди, – дейди ЎзА мухбирига мактаб битирувчиси Рамазон Саитов. – Бу ерда фан ва амалиёт сирларини биргаликда ўзлаштираётган ўқувчиларга ҳавасим келди. Ўқув йили давомида турли ташкилот ва корхоналардан вакиллар келиб, коллеж битирувчиларини ишга таклиф қилиб, ёшларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб, амалиётга татбиқ этар экан. Шу ерда ўқишга қарор қилдим.

Мутахассисларнинг фикрича, тўғри танланган касб – муваффақият омили, инсон ҳаёти давомида эришадиган ютуқларнинг асосини ташкил этади. Биз ҳикоя қилаётган мазкур мактабда бу қоидага қатъий амал қилинади. Юқори синф ўқувчиларининг муайян соҳага қизиқишини аниқлаш учун турли фан ўқитувчилари ҳамда психологлар иштирокида тест синовлари ва оғзаки суҳбатлар ўтказилиши, битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, қизиққан касбига йўналтириш, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида тумандаги ўндан зиёд ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан узвий ҳамкорлик ўрнатилган.

Маълумотларга кўра, юртимиздаги деярли барча умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг қобилияти, ўзига хос хусусияти, қизиққан соҳаси бўйича билим ва кўникмасини шакллантириш, имкониятини кенгайтириш мақсадида психолог хизмати йўлга қўйилган.

Мактаб битирувчиларини коллеж ва академик лицейларга тўла қамраб олиш борасида олиб борилаётган бундай чора-тадбирлар уларнинг замонавий касб-ҳунар сирларини ўрганиши ҳамда жамиятимизда муносиб ўринга эга бўлишида муҳим омил бўлади.

**Азима ҚИЁСОВА**

# ТАБИИЙ ГАЗДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

***Миллий матбуот марказида "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси томонидан ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш ва аҳоли ўртасида "зангори олов"дан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тарғиб қилишга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 8 августдаги "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, компания истеъмолчиларнинг табиий газдан хавфсиз ва оқилона фойдаланишини таъминлаш чораларини кўрмоқда.

"Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари М.Бошмановнинг сўзларига кўра, жорий иситиш мавсумида аҳолининг ис газидан заҳарланиши билан боғлиқ қатор ҳолатлар қайд этилган. Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган қўлбола ва ностандарт газ мосламаларидан фойдаланиш, газ коммуникацияларига резина шланглар орқали уланиш, мўриларнинг носозлиги ҳамда шамол яхши айланмайдиган биноларни газ ускуналари ёрдамида иситиш бунга сабаб бўлаётир.

Компания мутахассислари бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг кўламли тарғибот ишларини амалга оширмоқда. Чунончи, газ ва газ ускуналаридан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш чоралари ва қоидалари тушунтирилмоқда. Масалан, марказлаштирилган коммуникацияларга уланган газ плиталаридан фойдаланадиган хонадон эгалари уларни 2 йилда бир марта, газ баллонида ишлайдиган газ плиталарига эга аҳоли эса 1 йилда бир марта техник кўрикдан ўтказиши шарт. Бундан ташқари, мутахассислар газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш ускуналарини иситиш мавсуми олдидан йилига бир марта кўрикдан ўтказиши зарур.

Матбуот анжуманида фавқулодда ҳолатларда ҳаракат қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга бағишланган видеороликлар намойиш қилинди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

# ЯНГИ ПРЕПАРАТ ЯРАТИЛДИ

***Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти олимлари маҳаллий хомашё асосида камқонлик касаллигини даволовчи эритим препаратини яратди. Ҳайвонларнинг безидан олинган ушбу шифо воситаси организмда темир моддаси етишмовчилигида юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланди ва уни тиббиёт амалиётига қўллашга рухсат этилди.***

– Эритим аналогларига кўра бир неча баробар самарадор жиҳатлари билан ажралиб туради, – дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директори, кимё фанлари доктори, профессор Аббосхон Тўраев. – Унинг асосида муолажа ўтказилганда касалликни даволаш муддати бир неча баробар қисқарди ва беморнинг саломатлиги тез тикланиши маълум бўлди.

Институтда бундай самарали тадқиқотлар кўп. Кейинги йилларда пахтадан олинадиган госсипол ва унинг ҳосилалари асосида ўттиздан ортиқ препарат яратилди. Ўсимликлардан доривор препаратлар олиш технологияси ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда қон тўхтатувчи лагоден, герпесга қарши мегосин, вирусли касалликларни даволашда рагосин сингари воситалардан тиббиётда самарали фойдаланилмоқда. Уларнинг барчаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори фан ва ишлаб чиқариш ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда институт олимлари яратган ўн бешдан зиёд инновацион ишланма тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасига татбиқ этилди. Яна йигирмага яқин ишланма синовлардан муваффақиятли ўтди.

Дунёда қишлоқ хўжалиги экинларининг касалланиши оқибатида ҳосилни йўқотиш кўрсаткичи ошиб бормоқда. Касалликларга чидамли ўсимликларни яратиш ва пестицидларни қўллаш бу муаммога тўлиқ ечим бўла олмайди. Бунинг учун зараркунандаларга қарши курашнинг биологик усулларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, фитопатогенларга қарши биоген препаратлар жуда самарали. Чунки, бундай табиий усуллар атроф-муҳитга зарар етказмайди. Кейинги йилларда яратилган ДАГ-1 ва ДАГ-2 номли препаратлар ана шундай юқори самарадорликка эга эканлиги маълум бўлди. Айни пайтда ушбу ишланмани жорий этиш юзасидан тажриба-синов ва патентлаш ишлари давом этмоқда.

Институт олимлари яратган ғўза зараркунандаларига қарши курашувчи феромон тутқичлар ҳам биологик кураш усулларидан бири. Бу усул экологик жиҳатдан тоза, бошқа жонзотларга зиён етказмайди, ҳашаротларда унинг таъсирига кўникма ҳосил бўлмайди, уни амалда қўллаш ҳам анча осон. Шу боис бу ишланмага талаб тобора ортиб бормоқда. Ўтган йилги Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида вилоятлардаги ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари билан тузилган шартномалар доирасида 500 мингдан ортиқ феромон тутқич тўпламлари етказиб берилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги изланишлар ҳам самарали бўлмоқда. Ҳужайра технологияси асосида уруғлик картошка етиштириш бўйича эришилган натижалар бунга мисолдир. Уч босқичдан иборат ушбу технология асосида ўрта даражада шўрланган ва сув танқис ҳудудларда ҳам яхши ҳосил етиштириш мумкин. Тошкент, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг ана шундай ҳудудларидаги далаларда ўтказилган тадқиқотлар буни тасдиқлади.

Институт олимлари томонидан айни пайтда давлат гранти асосида қирқдан зиёд фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ноёб асбоб-ускуналардан комплекс фойдаланиш марказига ўрнатилган замонавий лаборатория жиҳозлари илмий тадқиқотларни чуқур синовдан ўтказиш, таҳлил ва тажриба ишларини самарали олиб бориш имконини бермоқда.

**(ЎзА)**

# ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан ёшлар ўртасида мулоқот ўтказилди.***



Абло Абдуллаев олган сурат

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, футболни ривожлантириш, малакали мураббий ва ҳакамлар тайёрлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани таъкидланди.

Равшан Эрматовнинг футбол бўйича барча нуфузли халқаро турнирларда ҳакамлик қилаётгани ана шу эътибор самарасидир. Ўзбек ўғлони 2008, 2009, 2010, 2011 ва 2014 йилларда беш маротаба "Осиёнинг энг яхши ҳаками" деб эътироф этилган. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда "Жаҳоннинг энг яхши ҳаками" сифатида тан олди.

Равшан Эрматов 2010 йили Жанубий Африка Республикаси ва 2014 йили Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатларида кетма-кет иштирок этиб, жами 9 учрашувда ҳакамлик қилди ва бу борада жаҳон рекордини ўрнатди.

Машҳур футбол ҳаками Равшан Эрматов яқинда футбол оламининг нуфузли мукофотларидан бири – "Globe Soccer Awards – 2015" совринини қўлга киритди.

Равшан Эрматов Президентимиз Ислом Каримов фармонларига мувофиқ мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, халқаро майдонда ўзбек футболи нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун 2010 йили "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони, 2014 йилда "Эл-юрт ҳурмати" ва 2015 йилда "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирланди.

– Футбол оламининг энг нуфузли мусобақаларида она Ватанимиз – Ўзбекистон номидан қатнашиш менга чексиз ғурур-ифтихор бағишлайди, – дейди Равшан Эрматов. – Зеро, истеъдодли ёшларнинг Ватанни халқаро майдонларда мадҳ этишдек эзгу орзулари рўёбига йўл очиб бераётган, кенг имкониятлар яратаётган юртимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Тадбирда қатнашган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Спорт янгиликлари

# "ПАХТАКОР" САФИДА ЯНГИ ФУТБОЛЧИЛАР

***"Пахтакор" стадиони матбуот анжумани залида жорий мавсумда клуб билан шартнома имзолаган янги футболчиларни расман таништириш маросими бўлиб ўтди.***

Тадбирда "Пахтакор" клуби бош директори Рустам Кўпайсинов ва спорт директори Григорий Цейтлин ҳамда жамоанинг янги футболчилари — Азим Аҳмедов, Суҳроб Неъматов, Акобир Тўраев, Темур Жўраев, Ойбек Қиличевлар иштирок этишди.

— Бир неча футболчиларни кузатиб бордик. Азим Аҳмедов "Навбаҳор"да янада ўсди, тажрибасини орттирди. Шундан сўнг уни бу ерга қайтардик. Қолган футболчиларни ҳам яхши биламиз. Т.Жўраевга келсак, асосий дарвозабонимиз Александр Лабонов Эронда фаолият юритадиган бўлди. Шу сабаб тажрибали посбонга эҳтиёж туғилди. Йиғинлар давомида таркибимизга Ойбек Қиличевни ҳам қўшиб олдик. Жамоамиздаги ҳолат яхши, — дейди клуб спорт директори Григорий Цейтлин.

***Америка Қўшма Штатларининг Хьюстон шаҳрида бўлиб ўтган Гран-при турнирида кўп йиллик тажрибага эга бўлган спорт гимнастикачимиз Оксана Чусовитина ўзининг навбатдаги ғалабасини қўлга киритди.***

# ГИМНАСТИКАЧИМИЗ ГРАН-ПРИ ҒОЛИБАСИ

Вакиламиз ўзининг севимли йўналиши ҳисобланган таяниб сакраш машқларида энг баланд натижа қайд этган ҳолда олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Оксана кўпкурашда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, барча мухлису мутахассисларни яна бир карра лол қолдирди. Кўпкураш якуни бўйича Чусовитина шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан мустаҳкам жой эгаллади.

Спортчимиз ушбу кўрсатилган натижалар орқали жорий йил апрель ойида бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинлари саралаш босқичида йўлланма соҳибасига айланиш учун асосий даъвогар эканлигини исботлади. Унгача эса келаси ой охирларида Бакуда ўтадиган жаҳон кубоги босқичида ҳам ўз омадини синаб кўриши мумкин.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

# НУФУЗЛИ ТУРНИР БОШЛАНДИ

***Мана ниҳоят футбол мухлислари орзиқиб кутган Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳсларига ҳам старт берилди.***

Ушбу нуфузли турнирнинг "А" гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган пойтахтимизнинг "Локомотив" жамоаси дастлабки турда Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" клуби билан Тошкентда куч синашди.

Учрашув тафсилотига тўхталишдан аввал шуни таъкидлаш жоизки, "Ал-Иттиҳод" нафақат ўз мамлакатининг, балки қитъамизнинг етакчи клубларидан биридир. Айни кунларда "Ал-Иттиҳод" Саудия Арабистони чемпионатида 17-турдан кейин учинчи ўринда бормоқда.

Тошкентда "Локомотив" ва "Ал-Иттиҳод" жамоалари баҳси тенг курашлар остида кечди. Гоҳ у, гоҳ бу жамоа рақиб дарвозасига ҳужум қилишга интилди. Аммо биринчи бўлимнинг 34-дақиқасида тошкентлик ҳимоячилар хатосидан унумли фойдаланган меҳмонлар Нестеров дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобда олдинга чиқиб олишди.

Иккинчи бўлимда майдон эгалари ҳам ҳужумкор, сермазмун ўйин намойиш этишди ва Сардор Мирзаевнинг аниқ зарбасидан сўнг ҳисобни тенглаштиришди. 1:1. Қолган дақиқаларда томонлар ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, дарвозаларга бошқа гол киритилмади.

Шунингдек, "Бунёдкор" сафарда Саудия Арабистонининг "Ал-Наср" жамоаси меҳмони бўлди. Ўйин муросасиз ва шиддатли курашлар остида кечди. Учрашув якунланишига 15 дақиқа қолганида ҳам тошкентликлар 3:1 ҳисобида олдинда боришди. Аммо сўнгги 15 дақиқада ҳимояда йўл қўйилган қўпол хатоликлар сабаб мезбонлар иккита гол уриб мувозанатни тиклашди ва баҳс 3:3 ҳисобида якунланди. "Бунёдкор"дан Ш.Зуаги, Д.Ҳамдамов (2 та) голларга муаллифлик қилишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Пойтахтимизда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши, шаҳарча Ички ишлар бўлими, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида "Одам савдоси, гиёҳвандлик ва жиноятчилик – умр заволи" мавзуида тадбир ташкил этилди.***

## Тадбирлар

# САЛБИЙ ИЛЛАТЛАР — УМР ЗАВОЛИ

Тадбирда Ўзбекистон давлат консерваториясининг талаба-ёшлари иштирок этишди. Бўлиб ўтган тадбир ҳар бир талаба-ёшнинг Ватанга, халқига, ота-онасига бўлган меҳр-оқибатини қанчалик оширган бўлса, ушбу кун уларнинг айрим тенгдошлари томонидан тинч ва осуда ҳаётимизга қилинаётган тажовузлар, ҳар хил диний оқимларга аралашиб ўз йўлини йўқотган кимсаларнинг найранглари оқибатида юзага келаётган нохуш ҳолатлар шу даражада нафрат уйғотди.

Жиноятчилик, одам савдоси, гиёҳвандликка қарши кураш бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда энг катта глобал муаммога айланди. Мазкур муаммоларни соғлом муҳитни барқарор таъминлаш орқали бартараф этиш мумкин.

Тадбирда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокими Қ.Шоназаров, шаҳарча ИИБ бошлиғи Ш.Мирзажонов, Ўзбекистон давлат консерваторияси проректори Р.Нигматов, "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раис ўринбосари Ғ.Тўлаганов ва бошқалар сўзга чиқиб, бугун юзага келаётган ҳар қандай нохуш ҳолатлар, жиноятлар инсониятнинг бепарволиги ва локайдлиги оқибатида юзага келаётганлиги, қолаверса дахлдорлик ҳисси билан яшаш, ёшларга яратиб берилган имкониятлар, улардан оқилона фойдаланиш муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

— Турли салбий иллатлардан ўсиб, келаётган ёшларимизни асраш, уларда маънавий иммунитетни шакллантириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан шаҳарча ҳудудидаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-ёшлар орасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, — дейди "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси З.Саъдуллаев. — Одам савдоси, гиёҳвандлик ва жиноятчилик умр заволи эканлигини унутмаслик, айнан қайсидир соҳа вакилларини эмас, балки барчанинг вазифаси эканлигини ҳар бир йигит-қиз англамоғи лозим.

Тадбир давомида талаба-ёшларга намойиш этилган видеоролик уларни огоҳ бўлишга, дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундаши шубҳасиз. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## Мутахассис маслаҳати

# ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА

***Қутуриш касаллиги ўта хавфли юқумли касаллик бўлиб, у билан одамлар ва ҳайвонлар касалланади. Қутуриш касалининг қўзғатувчиси вирус ҳисобланади.***

Вирус табиатда иссиқ қонли ҳайвонлар танасида яшайди.

Қутуриш касаллиги юққан ит ёки бошқа ҳайвонлар жуда ҳам жаҳлдор ҳамда қопағон бўлиб қоладилар.

Қутурган ҳайвон одамни тишлаганида ёки унинг сўлаги тирналган, шилинган, жароҳатланган терига, кўз, бурун, оғиз, томоқ шиллиқ қаватларига текканида вирус организмга ўтиши натижасида қутуриш касаллиги юқади. Вирус қон орқали инсоннинг бош миясига етиб келиб кўпая бошлайди. Вируслар, сўлак безларида шу даражада кўпайиб кетадики, натижада сўлак билан ташқарига ажрала бошлайди ва бошқаларга ҳам юқади.

Вирус одам танасига киргандан то касаллик аломатлари бошлангунча 2 ҳафтадан 6-12 ойгача ва ундан кўпроқ вақт ўтиши мумкин. Яширин давр муддати ҳар хил бўлиши бир неча сабабларга боғлиқ. Чунончи, ҳайвонлар гавданинг юқори қисмларини, яъни бош нерв системасига яқин жойларни тишласа, бу ердаги нерв ҳужайралари қанча кўп зарарланса ёки қанчалик кўп сўлак тегса ва жароҳат чуқур бўлса, яширин давр шунчалик қисқа бўлади. Вирус одамнинг бош ва орқа миясига кириб, оғир мия яллиғланишига олиб келади, оқибатда у 100 фоиз ўлим билан тугайди.

Шунинг учун қутуриш касаллиги юққан одам, ҳайвон томонидан тан жароҳати етказилганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилса, қутуришга қарши ўз вақтида эмланса, ўлимдан сақлаб қолиш мумкин.

Эмлаш қанчалик эрта бошланса, у шунчалик наф қилади. Эмлаш курси тўла-тўкис ва узлуксиз олиб борилиши керак, чунки эмлаш нотўғри ўтказилса, у бефойда бўлиб қолади. Бу даврда тавсия қилинган тартибни қатъий бажариш керак. Ҳар қандай спиртли ичимликни, ҳатто у кучсиз бўлса ҳам, ичиш мумкин эмас. Чунки спиртли ичимликлар организмнинг қутуриш вирусига бўлган қаршилигини бўшаштириб юборади.

Касалликнинг олдини олиш чораларидан яна бири — дайди ит ва мушукларни тутишдир. Чунки, Тошкент вилояти ҳудудларидан ёввойи тулки, бўрилар қутуриш касаллигининг табиий манбаъларидан бўлиб, дайди ит ва мушуклар орқали Тошкент шаҳридаги уй ҳайвонларига юқтиришлари мумкин.

Уй ҳайвонларини қутуриш касаллигидан сақлаш учун "Ҳайвонларни сақлаш қоидалари"ни билиш ва унга риоя қилиш лозим. Итларни уйда боғлиқ ҳолда, кўчага чиққанда эса махсус ниқоб тақиш ва етаклаш учун арқон билан тутиш керак.

Энг муҳими уй ҳайвонларини қутуришга қарши ҳар йили ўз вақтида эмлатиш керак.

**З.ШОМУҲАМЕДОВА,**
**Тошкент шаҳар ДСЭНМ ЎХЮК бўлими эпидемиологи**

# ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

***Табиат билан уйғунликда яшаш, яъни экологик тарбия бизга болалигимиздан сингдириб борилади. Ота-боболаримизнинг "Сувни ифлослантирма", "Жониворларни қийнама", "Денгиз соҳилида турган бўлсангда, сувни исроф қилма" деган ўгитлари бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган.***

Ҳозирги даврга келиб экология табиат тизимида организмлар, жумладан, кишилар ва уларнинг атроф-муҳит билан муносабатларига доир тушунча, воқелик, ҳодиса ва жараёнларни татбиқ қилувчи фан тармоғи, уларга оид билимларни берувчи таълим йўналиши ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни оптималлаштирувчи соҳага айланган. Экологик хавфсизлик эса экотизимларнинг, яъни организмлар яшайдиган табиий муҳитнинг антропоген омиллар таъсирида, турли кўлам ҳамда тезликда юзага келувчи салбий ҳолатлардан ва уларнинг давомийлигидан сақланганлик ҳолатидир.

Маънавиятга катта эътибор берилган юртда экологик хавфсизликка ҳам муҳим аҳамият билан қаралади. Чунки маънавият ва экология кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ўз таъсир доирасига олади. Зеро, организмлар, айниқса, кишилик жамияти яшар ва ривожланар экан, унинг фаолияти муқаррар равишда табиат билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлади.

Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарларида ҳам экология муаммоларига катта эътибор берилган. Дарҳақиқат, экология ва экологик хавфсизлик мамлакатимизда долзарб масалалардан бири бўлиб, у амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам алоҳида қайд этилган. Ўзбекистон Конституциясининг 50-моддасида шундай жумлалар бор: "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар". Конституциямиз тарихда синалган умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган.

Назаримизда, экологик хавфсизликни нафақат маҳаллий, балки миллий, минтақавий ва глобал миқёсда таъминлашга ҳар бир киши ҳисса қўшмоғи керак. Экологик хавфсизлик юксак маънавиятимиз, бой тарихий меросимизни ҳимоя қилишнинг муҳим кўрсаткичларидан саналади.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Соғлом она ва бола йили деб эълон қилинишида ҳам катта маъно-мазмун бор. Бу соҳада она ва бола саломатлигини ҳам экологик саводхонлик нуқтаи назаридан такомилига етказиш мақсади кўзланади. Чунончи, саломатлик тозаликдан бошланади деганларидек, она ва боланинг табиат билан уйғунлигига эришиш, уларнинг табиий, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан озиқланиши ва бунда озодаликка риоя этилиши соғлом турмуш тарзини таъминлашга омил бўлади.

Халқ таълими ва олий таълим муассасаларида ҳам ёшларда экологик маданиятни шакллантириш, ўқувчи ёшлар онгида табиатга меҳр уйғотиш тадбирларига катта эътибор бериб келинади.

**Зулхумор НУРАЛИЕВА,**
**1-республика тиббиёт коллежининг табиий фанлар кафедраси мудири**

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.**
**Факс: (371) 232-11-39.**
**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **25 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 22-24 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **25 февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 13.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ